

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ

**138** «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банклари ва уларнинг филиаллари раҳбарлари, бош бухгалтерлари, бошқарув аъзолари, кредит уюшмалари ҳамда микрокредит ташкилотлари ижро органлари раҳбарлари лавозимларига тавсия этилаётган номзодларга нисбатан малака талаблари қўйиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил  
6 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1641-2*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Аxbоротномаси, 1995 й., 12-сон, 247-модда) ва «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 1-сон, 1-модда) қонунларига мувофиқ Марказий банк Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2006 йил 7 октябрдаги 24/6-сон «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банклари ва уларнинг филиаллари раҳбарлари, бош бухгалтерлари, бошқарув аъзолари, кредит уюшмалари ҳамда микрокредит ташкилотлари ижро органлари раҳбарлари лавозимларига тавсия этилаётган номзодларга нисбатан малака талаблари қўйиш тартиби тўғрисида»ги қарорига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й.*

терлари, бошқарув аъзолари, кредит уюшмалари ҳамда микрокредит ташкилотлари ижро органлари раҳбарлари лавозимларига тавсия этилаётган номзодларга нисбатан малака талаблари қўйиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига (рўйхат рақами 1641, 2006 йил 14 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 46-47-сон, 467-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Марказий банк раиси**

**Ф. МУЛЛАЖОНОВ**

Тошкент ш.,  
2013 йил 16 февраль,  
4/6-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки Бошқарувининг 2013 йил  
16 февралдаги 4/6-сонли қарорига  
ИЛОВА

**«Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан  
тижорат банклари ва уларнинг филиаллари раҳбарлари,  
бош бухгалтерлари, бошқарув аъзолари, кредит уюшмалари  
ҳамда микрокредит ташкилотлари ижро органлари раҳбарлари  
лавозимларига тавсия этилаётган номзодларга нисбатан малака  
талаблари қўйиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш  
ҳақида»ги қарорга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Қарорнинг номи ва 1-банддан «, кредит уюшмалари» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

2. Низомда:

а) номи, муқаддима, 1, 3, 4, 5, 16 — 19-бандлар ва 1-илованинг илова белгисидан «, кредит уюшмалари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

б) 6-банднинг биринчи хатбошисидан «, бир кредит уюшмаси ижро органи раҳбари бошқа кредит уюшмаси ижро органи раҳбарлигига» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

в) 7-банддан «, кредит уюшмалари» ва «, кредит уюшмаси кенгаши» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

г) 9-банддан «, кредит уюшмалари» ва «кредит уюшмаси ёки» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

д) 10-бандда:

ўн саккизинчи хатбошидаги «Кредит уюшмалари ва микрокредит» деган сўзлар «Микрокредит» деган сўз билан алмаштирилсин;

ўн тўққизинчи ва йигирма биринчи хатбошилардан «кредит уюшмаси,» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й.*

е) 11-банддан «кредит уюшмалари ва» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

ж) 20-банддан «, кредит уюшмалари» ва «, кредит уюшмаси» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

з) 2-иловада:

илова белгисидан «, кредит уюшмалари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

номи қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Микрокредит ташкилотлари ижро органлари раҳбарлари томонидан Комиссияга тақдим этилиши лозим бўлган ҳужжатлар рўйхати»;

биринчи хатбошидаги «Кредит уюшмаси кенгаши ёки микрокредит» деган сўзлар «Микрокредит» деган сўз билан алмаштирилсин;

еттинчи хатбошидан «кредит уюшмаси ёки» деган сўзлар чиқариб ташлансин.